*Ватан севмак иймондандур!*

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Сотувда эркин нархда

1993 йил 28 август, шанба № 158-159 (24.510).

## ПРЕЗИДЕНТ ҚОЗОҒИСТОНДАН ҚАЙТИБ КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 27 август куни Қозоғистоннинг Кўкчатов шаҳридан қайтиб келди. Бу ерда Ўзбекистон раҳбари Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ва Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев билан биргаликда ўзаро иқтисодий ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилди. Шунингдек, уч республика Президентлари Қозоғистоннинг Оқмола, Кўкчатов ва Шимолий Қозоғистон вилоятлари раҳбарлари билан учрашдилар, ғалла ўримининг бориши билан танишдилар. Маълумки, ўзбекистонлик механизатор ва ҳайдовчилар ғалла ўрим-йиғимида қозоғистонлик биродарларига яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Ислом Каримовни Тошкент аэропортида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раиси Ш. Йўлдошев, республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари М. Умурзоқов, Т. Алимов, ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ЎзА).

*• Мамлакат Президентига мактублар*

## БУЮК ХАЛҚ БУЮК ФАРЗАНДЛАРНИ ВОЯГА ЕТКАЗАДИ

**Ўзбекистоннинг ҳамма фасли ҳам гўзал, аммо, куз фасли алоҳида ажралиб туради. Табиат олтин либосини кийган, пишиқчилик авжига чиққан бу фаслнинг дастлабки кунида халқимиз ўз республикаси мустақиллигини байрам қилади.**

**Хўш, мустақиллигимизнинг икки йиллик байрамига қандай совғалар билан келдик? Халқ хўжалигидаги, ишлаб чиқаришдаги ютуқларга, халқ турмушининг фаровонлаша боришига қандай эришяпмиз?**

**Бу саволларга лўнда қилиб: «Байрамга энг катта совғамиз — юртимиздаги тинчлик-осойишталик, турмушнинг фаровонлиги, бунга эса, Президент Ислом Каримов олиб бораётган одилона сиёсат туфайли эришдик», деб жавоб бериш мумкин.**

**Юртбошимиз номига ҳар куни келиб турган минглаб миннатдорчилик хатлари бу фикрни исботлайди. Муқаддас байрамимиз арафасида эса бундай хатлар оқими кўпайгандан-кўпайиб боряпти.**

Мана, ўша хатларнинг денгиздан бир томчи тариқасидаги намуналари билан танишинг:

«Оиламиз номидан Сизни ва бутун Ўзбекистон халқини чин юракдан табриклайман, — деб ёзади Сирдарё вилояти, Мирзаобод туманида истиқомат қилувчи ўқитувчи Олтинбек Раҳмонов.— Бизнинг бахтимизга ҳамиша соғу саломат бўлинг!».

Самарқанд вилояти, Нарпай туманида истиқомат қилувчи фермерлар Эшмурод Ниёзов, Нормурод Раҳмонов ва Муродилла Сайдуллаев эса мана бундай мактуб йўллашибди: «Сизни мустақиллик байрамининг икки йиллиги билан чин юракдан табриклаймиз. Ўзбекистонда яшаётган халқлар бахтига Сиздек нурли, меҳрли, шафқатли инсон борлигидан беҳад хурсандмиз. Сизга худодан узоқ умр ва куч-қувват тилаймиз».

Бекобод шаҳрида истиқомат қилаётган металлург, Ўзбекистон металлургия заводининг ишчиси Қодирали Субҳоновнинг ҳаяжон тўла мактубидан кичик бир парча: «Азиз юртбошимиз Ислом Каримов! Мен металлурглар номидан сизни қутлуғ байрам билан табриклайман, соғлиқ, омонлик тилайман!».

Мустақиллигимизнинг келажаги ёш авлод қўлида. Демак, биз уни мустақиллигимиз тақдирини ишонадиган қилиб тарбиялашимиз лозим. Юқорида ана шундай тарбиячилардан бирининг хатидан парча келтирилган эди. Мана, ёш авлод тарбиясидек масъулиятли вазифани шараф билан адо этаётган яна бир муаллимнинг дил сўзлари:

«Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич,— деб ёзади хоразмлик ўқитувчи Аҳмад Рўзиматов,— Сиз асос солган, Сиз эълон қилган мустақиллик халқимизга келгуси авлодларга бахт келтиришига ҳеч шубҳа йўқ. Қисқа вақт ичида мамлакатимизни 150 дан ортиқ давлат тан олди. Шу эмасми Сизнинг буюклигингиз! Ўзбекистон халқи бахтига, тинчлик, дўстлик, биродарликни истайдиган бошқа халқлар бахтига соғ омон бўлинг!».

Республикамизда халқ турмушининг бошқа республикалардагидан кескин фарқ қилиши юртимизда тинчлик, тотувликнинг барқарорлиги билан бевосита боғлиқ. Президентимиз нафақат республикамизда, балки бутун минтақада тинчлик - осойишталикнинг барқарор бўлиши учун куч-ғайратини аямаяпти. Юртбошимизнинг Тожикистондаги вазият хусусидаги саъй-ҳаракатлари барчага маълум. Тожикистон халқи ҳам бундай фидойиларча ишлари учун Президентимиздан миннатдорлигини ҳар доим изҳор қилиб келмоқда. Мана, Тожикистондаги ўзбек жамиятининг раиси Қурбон Сатторовдан келган хатдан бир парча:

«Тожикистонда яшовчи бир ярим миллион ўзбекнинг иродасини ифода этувчи ўзбек жамияти бошқаруви номидан Сизни, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизнинг сиймонгизда бутун Ўзбекистон халқини буюк истиқлол байрами билан табриклашга ижозат бергайсиз. Ҳур Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти орасида обрўси ва нуфузи тобора ошиб бораётганидан, энг муҳими, халқингиз тинч, осуда яшаб, меҳнат қилишига омил бўлаётган барқарор ички ва ташқи сиёсатингиздан беҳад хурсандмиз. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, жафокаш Тожикистондаги биродаркушлик уруши олови сўндирилишида Сизнинг саъй-ҳаракатингиз беназир бўлди. Аждодлари юзлаб йиллар шу сарзаминда яшаб келган ўзбеклар пароканда бўлиб кетишдан асрадилар, тожик миллатининг мавжудлиги ҳам сақлаб қолинди.

Сизга, ҳурматли Ислом ака, ўз юртингизнинг осойишталигини таъминлаганингиз, бизнинг жумҳуриятимиз ўртаасрчилик жаҳолати исканжасига тушиб қолишининг олдини олишга қўшган ҳиссангиз, очарчилик таҳдид сола бошлаган энг оғир, даҳшатли дамларда берилган инсонпарварлик ёрдамингиз учун Тожикистоннинг миннатдор ўзбек аҳолиси таъзим бажо келтиради. Демократик, ҳуқуқий, дунёвий давлат барпо этишнинг Сизлар танлаган йўли ҳаммамиз учун муқаддас. Ўзбекистонимизнинг оз фурсатда дунёнинг етакчи мамлакатлари қаторидан ўрин олишини таъминлашига имонимиз комилдир.

Юртингиз обод, элингиз шод, фаровон бўлиши учун сарфлаётган кучингизга куч, умрингизга умр қўшилаверсин. Буюк халқ буюк фарзандларни вояга етказади. Буюк фарзандлар халқини ўзининг улкан ишлари билан улуғлайверади».

Республикамизда аҳолини, айниқса, унинг кам таъминланган қисмини, шунингдек, нафақахўрлар ва меҳнат ногиронларини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам ҳамманинг кўз ўнгида турибди.

Тошкентлик нафақахўр Неъмат Аҳмедов Президентимизни байрам билан қизғин табриклаган, унга мана бундай тилаклар билдиради: «Сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, ишларингизда, келгусидаги режаларингизнинг амалга ошишида муваффақият тилайман! Мартабангиз янада улуғ бўлсин! Халқимизнинг бахтлик-саодатлик бўлиши, мустақил давлатимизда осойишталик ва тинчлик ҳамиша барқарор бўлиши учун Сизга узоқ умр, омад тилайман! Худо ёр, пирлар мададкор бўлсин!».

Мана бу мактублар эса, доимо юртга омонлик, фарзандларга камол тилаб қўлларини фотиҳага очадиган «тилларида дуо кексалар»дан келган.

Фарғоналик 94 ёшли Ҳавобуви аянинг набираси у кишининг дил сўзларини ёзиб юборибди: «Ассалому алайкум, азиз Ислом ака, гўзал Фарғона водийсининг Қармоқ қишлоғи аҳолисидан Сизга қизғин салом йўллаймиз. Мен энам бўлмиш 94 ёшли Ҳавобуви илтимосларини бажариб, мустақилликнинг икки йиллик тўйи муносабати билан у кишининг қалбларидан қайнаб чиққан дил сўзларини ёзиб юборяпман... Ушбуни фақат энамнинггина эмас, бутун Ўзбекистон халқининг миннатдорчилик изҳорлари, деб ўйлайман ва Сизга мустаҳкам соғлиқ ва узоқ умр тилаб қоламан».

Тошкентлик отахон Аҳмаджон Одилов Президентга мурожаат қилар экан, ўзининг ҳаёт лавҳаларини ҳам баён этади. Келинг, отахоннинг мактубини қўлга олайлик:

«Ҳурматли ўғлим Исломжон! Мен отангиз тенги мўйсафид Одил ўғли Аҳмаджонман. Ёшим 85 да, 1000 ойнинг юзини кўряпман, 6 ўғлим, бир қизим, 31 набирам, 27 абирам бор.

Салкам бир асрлик ҳаётим мобайнида борликни ҳам, йўқликни ҳам кўрдим. Улуғ Ватан урушида қатнашганман. 53 йиллик иш стажига эгаман. Унинг 43 йилини Тошкент шаҳридаги 3-нон-кондитер маҳсулотлари комбинатида тўплаганман. Ҳар қандай шароитда сидқидилдан ишлаб, эл корига ярашга, покиза яшашга интилдим ва кам бўлмадим: нишонлар, фахрий ёрлиқлар, ташаккурномалар олдим, энг муҳими— эл орасида обрў-эътибор топдим.

Фарзандларимни ҳам меҳнатсевар, одобли ва камтар қилиб тарбияладим. Бугун уларнинг ҳаммаси юртимиз хизматида.

Бошқа республикалардагига қараганда биз тўкин яшаяпмиз, турмушимиз ёмон эмас, юртимиз осойишта. Оллоҳга минг қатла шукрлар бўлсин. Буларнинг ҳаммаси, аввало, Сиз олиб бораётган одилона сиёсатнинг, эл-юрт ташвишида чиқарган фармони олийларингизнинг мевасидир. Бу хайрли ишда Сизга ҳамиша худо мададкор бўлсин, ўғлим! Биз қариялар эса доимо дуои жонингизни қиламиз, яратган эгамдан Сизга соғлиғу бардамлик сўраймиз!».

«Олтин олма — дуо ол», дейди доно халқимиз. Президентимиз номига оқиб келаётган хатлардан юқорида айтилганидек, денгиздан бир томчи мисоли олинган бу парчалар халқимизнинг ўз Президенти, унинг олиб бораётган ишларига муносабатини кўрсатиб турибди.

(ЎзА).



## БИЗНИ ЖАҲОН ТАБРИКЛАЙДИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ, ИСТИҚЛОЛИМИЗ, МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ РАМЗИ, КЎП АЗИЗ ВА ҲУРМАТЛИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Ассалому алайкум муҳтарам Президент жаноблари!

Сиз фидокор ва ватанпарвар Инсонни, Сизнинг тимсолингизда улуғ Ўзбекистон халқини давлатимизнинг шонли миллий байрами — Ватан озодлиги ва мустақиллигининг икки йиллиги билан жаҳоннинг турли бурчакларида истиқлолимизни кўзда ёш, қалбда Ватанга бўлган чексиз меҳр-муҳаббат билан кутиб олган барча туркистонликлар номидан чин юракдан муборакбод этамиз.

Бу йилги байрам яна шуниси билан тароватлики, жумҳуриятимиз бош кенти — она Тошкентимизда улуғ боболаримиз Амир Темур ва Мирзо Улуғбекларнинг муҳташам ҳайкаллари тикланиб, Мустақиллик майдонида қурилаётган ажойиб «Туркистон» саройининг ишга тушиши кўксимизни тоғ каби кўтарди.

Таъриф берганингиздек, буюк келажаги сари мардонавор одим ташлаб, ўзининг шонли ўтмиши, буюк тарихини жаҳонга намоён этаёттан ҳолда саодатли эрта кун сари бораётган жумҳуриятимиз жуда тез фурсатларда дунёнинг етакчи мамлакатлари сафидан ўрин олгусидир.

Бу муқаддас йўлдаги машаққатли ҳамда шарафли меҳнатда Сизга ва бутун Ўзбекистон халқига муваффақият, тан сиҳатлиғи, куч-қувват, омад тилаймиз!

**Ҳурмат ва эҳтиром билан:**
**Абдурауф МАҚСУДИЙ,**
**«Эл» халқаро уюшмасининг раиси.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Президент!

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги кунида Сизни ва Сиз орқали жафокаш ўзбек халқини қутлуғ байрам билан табриклаймиз!

Ўзбек халқининг озодликка чиққанига энди икки йил бўлди. Ўзбекистон улуғ имконлари бор мамлакат. Уларни амалга оширишга вақт ва тинчлик керак. Китобларингизнинг бирида: «ўзбеклар ўзига ишона бошлади» деб ёзгансиз. Агар ўзбек ўзлигига ишонса, бу албатта, тараққиётга олиб боради.

Биз шу кунларда Тошкент билан биродар Сиэтлдаги Вашингтон университетида ўзбек тили ва адабиётини ўрганяпмиз. Ўзбек халқининг тарихи, маданияти билан танишяпмиз. Ҳар биримизнинг дилимизда халқингиз билан дўст бўлиш истаги бор. Келажакда ўзбеклар ҳақида асарлар, илмий ишлар ёзиш, ўзбек адабиётидан таржималар қилиш ниятимиз бор. «Яхши ният—ярим давлат», — дейдилар.

Қадимги диёрингиздаги байрам шодлигини ҳис қила оламиз. Қалбимиз, яхши ниятларимиз Сиз ва халқингиз билан бирга.

Чуқур эҳтиром ила,

Сиэтл шаҳридаги Вашингтон университетининг Ўрта Осиё тиллари ва маданиятини ўрганиш бўйича ёзги программалари ўқитувчилари ва талабалари:

**Илза СИРТАУТАС,**
**профессор, ёзги программалар раиси;**
**Грег СЕЛЕСТОН,**
**Сиэтлдаги Вашингтон университетининг аспиранти;**
**Жил ХАТЧИНГС,**
**Массачусетс штатидаги Брандайс университети талабаси;**
**Кили ЛАНГ,**
**Иллинойс университети аспиранти;**
**Лора АДАМС,**
**Берклидаги Калифорния университети аспиранти;**
**Том БАРКОСКИ,**
**Массачусетс университети ходими;**
**Жасон НЭНДРИКС,**
**Вашингтон университети талабаси;**
**Моника ШЕПЕРГ,**
**Техас университети аспиранти;**
**Шон РОБЕРТС,**
**Жанубий Калифорния университети аспиранти.**

1993 йил, 10 август.
Америка Қўшма Штатлари,
Вашингтон штати, Сиэтл шаҳри.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВга**

## МУРОЖААТНОМА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Биз, Ўзбекистон Республикаси миллий маданият марказлари вакилларининг тантанали учрашуви қатнашчилари Сизни ва барча ватандошларимизни улуғ айём— Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллиги билан чин қалбимиздан табриклаймиз! «Она юртинг — олтин бешигинг», — дейди халқимиз. Миллатидан қатъий назар Ўзбекистонда яшаётган, Ўзбекистондай буюк мамлакат фуқароси бўлган ҳар бир кишининг хоҳиш-иродаси, ният-мақсади битта — олтин бешигимизга гард юқмасин. Кўпмиллатли улкан хонадонимизда ҳамма вақт тинчлик ва осойишталик бўлсин!

Мустақиллик мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида, жумладан миллий ва миллатлараро муносабатлар борасида ҳам туб бурилиш ясади. Сизнинг ва Сиз бошчилигингиздаги республика ҳукуматининг халқчил, инсонпарвар сиёсати туфайли миллий ва миллатлараро муносабатлар янги мазмун кашф этмоқда. Бу борада тўпланиб қолган муаммолар изчиллик билан ҳал этилмоқда. Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир киши қайси миллатга мансублигидан қатъи назар ана шу юрт билан фахрланиш, уни асраб-авайлаш, муқаддас тутиш туйғуси билан яшамоқда. Айни пайтда ҳар бир миллат минг йилликлар мобайнида шаклланган маданий мероси, тили, санъати, урф-одатлари ва миллий ғururини қайта тиклаб, ривожлантирмоқда. Биз турли миллат вакиллари Сиздан, азиз Ислом Абдуғаниевич, ана шундай инсонпарвар сиёсат юргизаётганингиз учун ғоят миннатдормиз!

Миллий равнақ ва миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатлик ва ўзаро ҳурмат ёш мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири. Шунинг учун ҳам биз турли миллат миллий маданият марказлари вакиллари она-юртимиз Ўзбекистоннинг ҳар томонлама равнақи, халқаро обрў-эътибори учун бор имкониятимизни ишга соламиз. Зиммамиздаги фуқаролик бурчи, қалбимиздаги ватанпарварлик туйғуси, онаюртга муҳаббат ҳисси буюк Ўзбекистон шон-шавкатини янада оширишга қодир, деб Сиз муҳтарам Президентимизни қатъий ишонтирамиз.

**Мурожаатнома республика байналмилал маданият марказида бўлиб ўтган миллий маданият марказлари вакилларининг тантанали учрашувида қабул қилинган.**

## УЛУҒ АЙЁМ ҚУТЛОВИ

**ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ СИЁСИЙ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИНИНГ ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИГА, РЕСПУБЛИКАНИНГ БАРЧА ФУҚАРОЛАРИГА**

**БАЙРАМ ТАБРИГИ**

Азиз дўстлар! Истиқлол шарофати билан қайта туғилган қадимий она диёримиздаги ҳар бир шаҳар ва қишлоқда, ҳар бир хонадон ва фуқаро қалбида бугун ўзгача байрамона шукуҳ, фахр-ифтихор ва шоду хуррамлик жўш урмоқда. Негаки озод, ҳур, дунё таниётган Ўзбекистонимиз ўз мустақиллигининг қутлуғ икки йиллигини нишонламоқда.

Халқимиз тақдирида тарихий бурилиш нуқтаси бўлган ўша унутилмас кундан буён ўтган қисқа муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида мамлакатимизда туб сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий ўзгаришлар юз берди. Адолатли демократик жамият, ҳуқуқий давлат бунёд этилмоқда. Бозор иқтисодиётига томон босқичма-босқич қадам ташланаяпти. Маънавий меросимиз, миллий қадриятларимиз тикланаётир. Ҳукуматимизнинг халқ манфаатларига мос изчил сиёсати туфайли аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари муттасил амалга ошириляпти, юртимизда тинч, осойишта ҳаёт бошқалар ҳавас қилгудек даражада барқарордир. Ўзбекистоннинг овози эндиликда жаҳоннинг нуфузли минбарларидан янграяпти. Ғарбу Шарқ давлатлари билан ўзаро манфаатли алоқа ва ҳамкорлигимиз тобора кенгаймоқда.

Мустақиллигимизни мустаҳкамлашга хизмат этувчи ушбу ютуқлар энг аввало элсевар ва юртпарвар юртбошимизнинг оқилона ички ва ташқи сиёсати ҳамда жўшқин фаолияти, ватанпарвар халқимизнинг фидокорона меҳнати, жонкуяр партиядошларимизнинг ўз ишига садоқати самарасидир.

Азиз ака-укалар, опа-сингиллар! Олдимизда улкан ва масъулиятли вазифа — Ўзбекистонимизни буюк давлатга айлантиришдек муқаддас мақсад турибди. Бунинг учун ҳаммамиз янада маҳкамроқ жипслашмоғимиз, истиқлол имкониятларининг қадрига етмоғимиз, Ватан равнақи учун фаол ва унумли меҳнат қилмоғимиз зарур.

Ана шундай қутлуғ мақсадлар, эзгу ниятлар йўлида Сиз азизларга сиҳат-саломатлик, куч-қувват, ғайрат-шижоат, ҳамиша кўтаринки руҳ ва яхши кайфият, оилангизга осойишталик, ишларингизга қут-барака тилаймиз.

Истиқлол байрамингиз муборак бўлсин, муҳтарам дўстлар!

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ СИЁСИЙ ИЖРОҚЎМИ**





БИЗНИНГ СУҲБАТ

## МУСТАҚИЛЛИК— ЗАФАР ЙЎЛИ

**— Мустақиллик халқимизга нималар берди?**

**— Давлатимизнинг келажагини қандай тасаввур қиласиз?**

**Мурод ШАРИФХЎЖАЕВ, Тошкент молия институти ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.**

— Мустақиллик биз учун шундай бир тарихий ҳодисаки, уни бир сўз билан ифодалаш, у берган қадриятларни санаб тугатишнинг иложи йўқ. Қисқа қилиб айтганда, мустақиллик — бу халқимизнинг бахти, ҳурлик, эркинлик, ўз тақдирини ўзи белгиловчи азизу мукаррамлик.

Мустақиллик Ватанимиз руҳига афсонавий куч ато этди. Очилишига муштоқ бўлиб ётган минглаб зиё ва фикр булоқларининг кўзи очилиб кетди. Имон, эътиқод, Ватан, эрк туйғуси халқимнинг бутун борлиғини қамраб олди ва ўзлигини билиш, бирикиш, эл бўлиш, жаҳон шоҳсупасида ўзининг беклигини ҳалол меҳнати, заковати ва ақли билан танитиш сари етаклади.

Мамлакат ичкарисидаги жараёнлар халқ манфаати, уларнинг осойишта турмуши, меҳнати учун керак бўлган барча имкониятларни яратиш йўлида олиб борилмоқда. Бу борада халқ билан мўътабар юртбошимиз ўртасидаги бирлик тобора мустаҳкамланиб, мустақилликни такомиллаштиришнинг муҳим заминига айланиб бормоқда. Биз сиёсий, иқтисодий, маънавий масалалар бўйича, ҳар қандай шартномалар тузиш, ҳамкорлик қилишнинг ишончли субъектига айландик.

Республикада бозор муносабатларини қарор топтириш учун қатор қулайликлар яратилмоқда. Биринчи галда халқимизнинг меҳнат қилиши, яхши яшаши учун барча имкониятлар яратилмоқда. Иккинчидан, чет мамлакатлар билан ҳамкорликда халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун аҳамиятли бўлган қўшма корхоналарни йўлга қўймоқдамиз; учинчидан, барча бойликларимизнинг асоси бўлган ҳозирги замон интеллектини қарор топтириш бўйича жаҳон андозаларига мос чора-тадбирларни кўрмоқдамиз. Сўзсиз, буларнинг ҳаммаси мустақилликнинг шарофатларидир.

Мустақиллик туфайли бундан 60 йил олдин Ўрта Осиёда ягона ҳисобланган молия олий билимгоҳи ҳурматли Президентимиз, илм-фан, келажак авлодимизнинг жонкуяри Ислом Каримовнинг шахсий ташаббуслари билан яна қайтадан тикланди. Мен мана шу олий ўқув юртида халқ хўжалигини молия, банк, солиқ, суғурта, аудит ихтисослиги бўйича юқори малакали кадрларга бўлган талабини қондириш бобида меҳнат қилаётганимдан бахтиёрман.

— Шубҳасиз, бугун республикамизнинг бундан кейинги сиёсий, иқтисодий ва маънавий равнақи учун мустаҳкам замин яратилмоқда. Мазкур соҳалар бўйича аниқ мақсадлар белгиланган. Уларга эришиш йўллари, воситалари ишлаб чиқилмоқда. Буларнинг ҳаммаси Ватанимизнинг эл орзу қилгудек тинчлик ва фаровонлик диёрига, буюк давлатга айланиш имконини беради. Меҳнаткаш, теран ақл-идрокка эга халқимиз шунга лойиқ бўлган тўкинчилик ва фароғатда яшайди. Беруний, Фаробий, Ибн Синолар янгидан туғилади, Улуғбекнинг коинот дорилфунуни янгидан жаҳон марказий университетига айланади. Жаҳон доноларининг академияси худо хоҳласа яна диёримизга кўчиб келади. Бунга ишончим комил.

## САМИМИЙ ТАШАККУР БИЛДИРИЛДИ

**Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси республика мустақиллигининг икки йиллик байрами муносабати билан партиянинг энг фаол аъзоларидан бир гуруҳга самарали меҳнат фаолияти ҳамда кўп миллатли Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожига, республикада сиёсий барқарорлик, ишчан ва ижодий соғлом муҳитни сақлашга, Ўзбекистон Республикаси Президенти, партиямиз Раиси И. А. Каримовнинг фармонлари ва амалий йўл-йўриқларини бажаришга муносиб ҳисса қўшганлиги учун самимий ташаккурнома билдирди.**

Ташаккур билдирилганлар орасида қуйидагилар бор:

АБДУЛЛАЕВ Ҳабиб Содиқович, Марғилон ипакчилик бирлашмаси партия ташкилоти котиби;

АГАБУЛЛАЕВ Ориф Ҳасанович, Хоразм вилоят ипакчилик бирлашмаси директори муовини;

АНОХИН Анатолий Михайлович, Бекобод металлургия заводи директори, Бекобод шаҳар партия кенгаши аъзоси;

АҲМЕДОВ Муҳаммад Исматович, Бухоро туманидаги «Маданият» жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси;

(Давоми иккинчи бетда).

# САМИМИЙ ТАШАККУР БИЛДИРИЛДИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

БЕКЧОНОВ Сотимбой, Боғот туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги бошқаруви раисининг муовини;

ГЕНЖИБОЕВ Ўразбой, Мўйноқ балиқ заводи устаси, бошланғич партия ташкилоти котиби;

ДАМИНОВ Турғунпўлат, Тошкент тиббиёт олий билимгоҳи ректори, Тошкент шаҳар партия кенгаши ижроия бюроси аъзоси;

ЁДГОРОВ Насриддин Акмалович, Ўзбекистон ХДП Қоракўл туман кенгаши биринчи котиби;

ЖАЛИЛОВ Юсуфжон, Учқўрғон тумани дон маҳсулотлари комбинати директори муовини, бошланғич партия ташкилоти котиби;

ЖИЛКИН Пётр Прокопьевич, Гулистон шаҳридаги «Сирдарёэлектр тармоқлари» ташкилоти рассоми, бошланғич партия ташкилоти котиби;

ЖУМАНИЁЗОВА Малика Шерматовна, Қўшкўпир туманидаги «Хоразм» жамоа хўжалиги аъзоси;

ЖЎРАЕВ Пўлат Нурматович, Жиззах шаҳридаги 2-қурилиш материаллари комбинати устаси, ЎзХДП Марказий Кенгаши аъзоси;

ЗОКИРОВА Омина, Хатирчи туманидаги йўл таъмирлаш-қурилиш бошқармаси ишчиси, бошланғич партия ташкилоти котибаси;

ЗИЁТОВ Парда, Жиззах туманидаги Ҳамроқул Носиров номли давлат хўжалиги бригада бошлиғи, вилоят партия кенгаши ижроия бюроси аъзоси;

ИБРОҲИМОВ Алим, Фориш туманидаги «Деристон» қишлоғи маҳалла қўмитаси раиси;

ИВАНОВ Валерий Александрович, «Миконд» заводи директори, Тошкент шаҳар партия кенгаши ижроия бюроси аъзоси;

КАЗАХБОЕВ Жўлдасбай, «Қорақалпоқагротармоқтаъмирлаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси техника бўлими бошлиғи, бошланғич партия ташкилоти котиби;

КАРИМОВ Абдураззоқ, Термиз шаҳар локомотив депоси машинисти, бошланғич партия ташкилоти котиби;

ЛАУШКИН Иван Николаевич, «Ўзқишлоқэлектрқурилиш» трестининг техник-электриги, бошланғич партия ташкилоти котиби;

МАВЛОНҚУЛОВ Олимқул Тўрақулович, Қўқон нон комбинати директори, шаҳар партия кенгаши аъзоси, Ўзбекистон халқ депутати;

МАЖИДОВ Қодир, Бешкент шаҳридаги Ғ. Ғулом номли маҳалла бошланғич партия ташкилоти котиби, 16-ҳунар-техника таълими билим юрти директори;

МАТКАРИМОВА Каромат, Хива туманидаги М. Отабоев номли мактаб муаллимаси;

МУТАЛОВА Қундуз, Ўртачирчиқ туманидаги электр тармоқлари ташкилоти муҳандиси, бошланғич партия ташкилоти котибаси;

МУҲИТДИНОВ Тожибой, Бўстонлиқ туманидаги «Қўшқўрғон» жамоа хўжалиги бошқаруви раисининг муовини, бошланғич партия ташкилоти котиби;

НАЗИРОВА Машраб Тожиқуловна, Чуст туманидаги «Машъал» ҳудудий бошланғич партия ташкилоти котибаси;

НИШОНОВА Гавҳар, Мирзаобод туманидаги Беруний номли акционерлик бирлашмаси пахтачилик бригадасининг бошлиғи;

ПАНАЕВ Ерниёз, Қораўзак туманидаги «Маданият» давлат хўжалиги директори;

РАУПОВА Тўхтагул, Ангор туманидаги «Занг» жамоа хўжалиги аъзоси, вилоят партия кенгаши аъзоси;

САИДОВ Мардон, Жондор туманидаги «Гулистон» жамоа хўжалигининг «Кўли-бобо» қишлоғи цех партия ташкилотининг котиби;

ТАУЕНОВА Ҳанифа, Томди туманидаги «Янги чорвадор» давлат хўжалигининг бош чўпони;

ТОЖИБОЕВ Мавлонберген, Амударё тумани марказий шифохонасининг бош шифокори муовини, Амударё туман партия кенгаши II-котиби (жамоатчилик асосида);

ТОШПЎЛАТОВА Саодатхон, Наманган аврли газламалар тўқиш бирлашмасининг ипак ўровчиси, шаҳар партия кенгаши ижроия бюросининг аъзоси;

ХАЙРУЛЛАЕВ Аҳад, Навбаҳор туманидаги И. Охунбобоев номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси;

ХУШЕВ Маҳмуд, Китоб шаҳридаги Али Қушчи маҳалла бошланғич партия ташкилоти котиби, пенсионер;

ШОДИЕВ Муяссар Шодиевич, Каттақўрғон туманидаги Каттаминг қишлоқ кенгаши раиси, туман партия кенгаши ижроия бюроси аъзоси, Ўзбекистон халқ депутати;

ЮНУСХЎЖАЕВА Муборак, Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси, шаҳар партия кенгаши ижроия бюроси аъзоси;

ЯНГИБОЕВ Ҳабибулла, Шаҳрихон тумани ҳокими;

ЯХШИБОЕВА Гулсара Эшбоевна, Булунғир туманидаги «Булунғур» давлат хўжалигининг бригада бошлиғи, туман партия кенгаши аъзоси;

ҒОЗИЕВ Салим, Қарши уйсозлик комбинатининг монтажчилар бригадасининг бошлиғи;

ҲАЙДАРОВ Ёвқочти, Оқолтин гидромелиоратив колледжи директори;

ҲАЙДАРОВ Тўхта, Қизириқ туманидаги «Янги йўл» жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси;

ҲОЖИМАТОВ Абдуллажон, Избоскан туманидаги Ш. Юнусов номли жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилотининг котиби.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси партия фаолларига ишга ижодий ёндашганликлари ва партиямизни доимий равишда қўллаб-қувватлаб турганликлари учун самимий миннатдорчилик изҳор этиш билан бирга уларнинг Ўзбекистон халқи фаровонлиги, мамлакатимиз равнақи йўлидаги ушбу саъй-ҳаракатлари фидокорона меҳнат, юксак масъулият ва талабчанлик, юзага келган муаммоларни ўз вақтида ҳал этишга дадил ёндашиш намунаси эканлигини алоҳида таъкидлади.

## «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» МУШТАРИЙЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Бозор иқтисодиёти йўлидаги қийинчиликлар матбуот нашрларини ҳам четлаб ўтмаяпти. Қоғоз, бўёқ баҳоси, газетани чоп этиш ва жойларга етказиш, тарқатиш ҳаражатлари 1993 йилнинг ўтган саккиз ойида устма-уст бир неча баравар ошиб кетганлиги оқибатида молиявий аҳволимиз танглашганлигини айтсак, муштарийлар ортиқча изоҳларсиз тушунадилар, деб ўйлаймиз. «Ўзбекистон овози» газетаси, барча оммавий ахборот воситалари каби ҳозирги пайтда ана шундай иқтисодий қийинчиликни бошидан кечиряпти.

Зотан, бултур 1993 йил учун ўтказилган обуна мавсумида газетанинг ҳар бир сонига 1 сўм 48 тийиндан ҳақ олинганди. Амалда бу пул жорий йилнинг биринчи чорагига ҳам етмай қолди. Ҳозир бир дона газетани чиқаришга 20 сўмдан кўп маблағ сарфланмоқда. Лекин муштарийларга берилган ваъданинг устидан чиқиш ва аввало, бизга ишонч билдирган обуначиларни ҳимоя қилиш мақсадида саккиз ой мобайнида газета ўз ўқувчиларига мунтазам етказиб берилди. Биз, ҳар қанча қийин бўлмасин, таҳририят зарари ҳисобига бўлса-да, шундай йўл тутдик.

Ана шу вазиятдан келиб чиқиб 1 сентябрдан бошлаб «Ўзбекистон овози»ни фақат чакана савдога чиқаришга мажбур бўляпмиз. Демак, 1993 йилнинг қолган тўрт ойи мобайнида муштарийлар газетани «Матбуот уюшмаси» дўконларидан эркин баҳода харид қилишлари мумкин.

## МУСТАҚИЛЛИК. МАФКУРА. МАДАНИЯТ

**Мамлакатимиз мустақиллигининг икки йиллиги арафасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида анъанавий давра суҳбатларининг навбатдагиси бўлиб ўтди. Бу гал мулоқот залига юртимизнинг бир гуруҳ таниқли кишилари — Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, филология фанлари доктори, профессор С. Мамажонов, республика Фанлар академияси Президиуми бош илмий-ташкилий бошқармасининг бошлиғи, иқтисод фанлари доктори, профессор М. Абдусаломов, Тарих институтининг бўлим бошлиғи, тарих фанлари доктори, профессор Ҳ. Зиёев, «Тошкентгаз» бошқармаси партия қўмитаси котиби Р. Усмонов, Санъатшунослик институтининг бўлим бошлиғи санъатшунослик доктори, профессор М. Қодиров, Тошкент Давлат аграр дорилфунунининг проректори, профессор А. Абдуллаев, Низомий номидаги педагогика институтининг декани, филология фанлари доктори, профессор Н. Маҳмудов, Зангиота районидаги «Улуғбек» жамоа хўжалиги раҳбари А. Аҳмедов, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти кафедра мудири, доцент И. Ҳайитовлар ташриф буюрдилар.**

**Учрашувни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши матбуот, ахборот ва тарғибот бўлимининг мудири З. Давронов очиб, меҳмонларни аввал қутлуғ байрам — республикамиз мустақиллигининг икки йиллиги билан табриклади. Сўнг Марказий Кенгашнинг шу кунлардаги фаолияти ҳақида гапириб, йиғилганларни мустақиллик, мафкура ва маънавият мавзундаги суҳбатга таклиф этди. Мулоқотда истиқлолнинг ўтган икки йили давомида эришилган ютуқлар, изланишлар, шунингдек, кўпчиликни қизиқтираётган айрим муаммолар тўғрисида ҳам фикрлар ўртага ташланди.**

**Ислом КАРИМОВ:**

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕК ДАВЛАТИ ХАЛҚИМИЗНИНГ ТАРИХИЙ ЮТУҒИДИР. МАМЛАКАТИМИЗ ТУПРОҒИДА ЯШАБ ТУРГАН ВА ЎЗИНИ ВАТАНПАРВАР ДЕБ ҲИСОБЛАГАН ҲАР БИР КИШИ УНИНГ ЯХЛИТЛИГИ ВА БИРЛИГИНИ АСРАБ-АВАЙЛАШИ ШАРТ.

# ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ ВА МАСЪУЛИЯТИ

### ЗИЁДУЛЛА ДАВРОНОВ



Бугун биз сиз билан энг мўътабар байрам арафасида учрашиб турибмиз. Бу — мустақиллик байрамидир. Ўтган давр кўп йилларга татигулик, десак хато бўлмайди. Афсуски, баъзи бирларимиз ҳали ҳам мустақилликнинг чин маъносини тушуниб етмаганга ўхшаймиз. Сабаби, баъзи суҳбатларда, учрашувларда мустақиллик тўғрисида гапирсак, эътиборсиздек, иккинчи даражали маъно бериб қабул қилинади.

Мустақиллик — Ўзбекистон тарихига 130—140 йиллик асоратдан кейин олтин ҳарфлар билан ёзиладиган муқаддас сўздир. Зеро, у бизни, шак-шубҳасиз, тараққиётга элтажакдир. Қисқагина муддат — икки йилимизнинг ўзиёқ буни яққол исботламоқда. Шундай экан, мустақилликнинг қадрига етишимиз, уни тарғиб қилишимиз — давр талаби.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг матбуот, ахборот ва тарғибот бўлими ана шу шарафли ишга баҳолу қудрат ўз ҳиссасини қўшишга киришган. Маълумки, ўтган икки йилда мамлакатимиз Президенти, партиямиз Раиси Ислом Каримов бошчилигида амалга оширилган ижобий ишларни санаб поёнига етиш қийин. Янги Конституциянинг қабул қилиниши, ҳуқуқий давлат қуриш учун қабул қилинган ўнлаб қонунлар, Президентимизнинг хорижий давлатларга ташриф буюриб, Ўзбекистонни дунёга танитиши, бой қадриятларимизнинг тикланиши, аҳолига ер берилиши, хусусийлаштириш, тадбиркорлик, мулкнинг турли шаклларини таркиб топтириш, янги институтлар, Фанлар академиясининг аттестация комиссияси ташкил этилиши кабилар фикримизнинг далилидир.

Хуллас, ана шу ютуқларимизни, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун ҳозирги кунда ҳаммамиз бир тан, бир жон бўлишимиз, қийинчиликларни эса, бирга ҳал этиш йўлларини излашимиз зарур.

### ҲАМИД ЗИЁЕВ



Иқтисодий ва маънавий ҳаётда туб ўзгаришларга эришилиб, тараққиёт сари бормоқдамиз. Аммо ҳали ўз ечимини кутаётган долзарб масалалар ва вазифалар мавжуд. Хўш, улар нималардан иборат?

**Биринчидан**, Ҳозирда Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчликни ва барқарорликни янада мустаҳкамлаб, бирдамлик ва миллатпарварликни янада кучайтириш шу куннинг талабидир. Негаки, тарихий маълумотларга кўра, ўзаро чиқишмовчилик ва урушлар жуда катта зиён келтириб, мустақилликнинг йўқолишига ва чет эл ҳукмронлиги ўрнатилишига олиб келган. Унутмаслик керакки, халқ юртбошининг атрофига бирлашгандагина буюк давлат барпо этишга эришилган. Ислом Каримов элнинг ҳурматига сазовор бўлди. У халқнинг юрагидан отилиб чиққан «юртбоши» ва «миллат отаси» сингари олий номлар билан аталмоқда. Бундан кейин ҳам юртбошини ҳар қандай шароитда мардонавор қаттиқ қувватлаш ҳар бир ватанпарвар кишининг муққаддас бурчидир. Шундагина она юртимиз оғир ва мушкул шароитдан ҳоли бўлиб, тезроқ тараққиётга ва фаровон турмушга эришади.

**Иккинчидан**. Маълумки, совет даврида кишиларда ўз-ўзини англашни, миллий ҳис ва туйғуларни бўғиш ниятида ижтимоий фанлар «ҳибс»га олинган эди. Уларнинг сиёсатлаштирилиши мафкурага катта путур етказди. Бунинг ҳунук оқибатларидан ҳали тўла ҳоли бўлинмади. Бу ҳозирги оғир шароитни тезроқ бартараф қилишга тўсқинлик қилмоқда. Шунинг учун ҳам Президент Ислом Каримовнинг миллий мафкурани ривожлантириш ҳақидаги даъвати ва кўрилаётган чоралар айни муддаодир. Миллатпарварликни кучайтиришда тарих фани тутган ўринни изоҳлашга, исботлашга ҳожат йўқ деб ўйлайман.

### НИЗОМИДДИН МАҲМУДОВ



Шижоаткор юртбошимиз қайта-қайта уқтирмоқдалар: «Асосий масала шундан иборатки, мустақилликни сақлаб қолишимиз, уни келажак авлодларга омон етказишимиз, қадрини тўғри тушунишимиз лозим». Мустақиллик қарийб 140 йилдан бери ўзбек қалбидаги муқаддас орзу, тинимсиз типирчилаган адоқсиз эҳтиёж, миллатни эркка элтмоқ қайғуси-ла ўлимни ўлдирган баҳодирларнинг, бу рўшно кунларни яқинлаштирмоқ учун сўз олови билан эрк тандирини қиздирган ойдин тафаккур эгаларининг юракларидаги олий армон эди. Мустақилликнинг, Президентимиз айтганларидай, «фақат нон билан чой эмаслигини, у, аввало, маънавий, яъни одамни одам қиладиган, миллатни миллат қиладиган тушунча эканини» идрок эта олмаслик, энг ками, ўша баҳодирларнинг руҳи поки олдида гуноҳи азимдир. Буюк ва муқаддас неъмат бўлмиш истиқлолни асраш ва мустаҳкамлаш масъулияти Ўзбекистон заминида яшовчи бирон-бир фуқаронинг бирор сония бўлсин эсидан чиқмаслиги лозим! Бу бениҳоя улкан ва муқаддас масъулият. Маънан қашшоқ, қадр қайғусидан бенасиб, мустақил тафаккур тарзи йўқ, бадбин кимсалар бу улуғ масъулиятни ҳис эта олмайдилар. Жамиятнинг маънавий камолоти мустақилликни мустаҳкамлашнинг гаровидир.

Маънавий комил кишининг қалбида она тилига, демакки, Ватанга мунтазам муҳаббат туйғулари ҳамиша потраб туради. Тилсиз миллат, миллатсиз халқ, халқсиз Ватан йўқлиги азалий ҳақиқатдир. Шунинг учун минг йиллик тарихимиз сорбони бўлмиш гўзал ва бетимсол она тилимизни ўрганиш ва ўргатиш ҳар вақт диққатимизда бўлмоғи лозим.

Давлат тили ҳақидаги қонунимиз туфайли, республикамиз раҳбарияти, хусусан, Президентимизнинг доимий саъй-ҳаракатлари туфайли тилимиз ривож топиб, рутбаси ортиб бормоқда. Тўғри, бу қонуннинг бажарилишида муайян сусткашликлар бор, аммо иш боряпти, 70 йиллик ҳукмрон «қизил» тил сиёсатининг оқибатларини тугатиш осон кечмайди. Бунинг учун ҳам ҳар биримизнинг мунтазам масъулиятимиз зарур. Давлат тили ҳақидаги қонунни ҳаётга жиддий ва жадал жорий қилиш ҳам мустақилликни мустаҳкамлашдаги муҳим омиллардан биридир.

### САЛОҲИДДИН МАМАЖОНОВ



Мафкура ҳақиқат учун, инсоннинг бахт-саодати учун, жамиятни баркамол қилиш учун, тарихнинг олға ҳаракати учун, келажак учун хизмат этадиган бўлса, бундай мафкурани сўзсиз қўллаб-қувватлаймиз.

Ижодкорга баҳо берганда унинг санъаткорлигидан келиб чиқишимиз лозим. Ҳозир шундай тенденция учрайдики, ким 1917 йилгача ижод қилган бўлса ёки қатағон йиллари қувғин қилинган, қатл этилган бўлса, ўша улуғ ёзувчи сифатида кўрсатилмоқда. Қатағон қилинганларни фуқаро сифатида бошимизга кўтаришимиз ва бир дақиқа ҳам унутмаслигимиз керак. Улар ҳақиқат, мустақиллик, эрк учун ҳаётини бердилар. Шу асос уларни ҳар қанча улуғлашга буюк далилдир. Аммо ўртамиёна, ундан ҳам заиф асарларини намуна қилиб кўкка кўтармаслигимиз керак. Шунингдек, ўтмишда яшаб ижод этган ҳамма шоирлар ҳам мумтоз, буюк эмас. «Буюк» деган сўзнинг қадрини — демак, адабиётнинг қадрини тушириб юбормаслик лозим. Биз тарихга, адабиётга синфий ёндашишдан воз кечдик, тўғри қилдик. Лекин бу деган сўз — ўтмишда ҳамма шоҳлар, ҳамма хонлар, ҳамма амалдорлар яхши, одил эди дегани эмас-ку! Унда яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги курашни кўрсатишга бағишланган минг-минглаб халқ эртаклари, қўшиқлари, достонлари ва буюк ёзувчилар асарлари нима учун ёзилган!? Унда нима учун Насимийни тириклай терисини шилишди ёки Машрабни дорга осишди? Нима учун унда Форобий фозил шаҳар ҳақида орзу қилди?!

### МУҲСИН ҚОДИРОВ



Икки йил тарих учун бир лаҳзадай гап. Аммо шу қисқа муддатда юртбошимизнинг оқилона сиёсати. Фармонлари, нутқлари, рисолалари, кўрсатмалари туфайли иқтисодиётда, маънавий ва маданий ҳаётимизда сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Яқин ва узоқ ўтмишни янги назар билан қайта бошдан ўрганиш, мустамлака ва қизил империя даврида қатағон қилинган улуғ сиймолар шахсиятларига қизиқиш бошланди. Саҳна санъатида ҳам шундай ҳолни кузатиш мумкин.

Алишер Навоийнинг руҳи, сўзи, тимсоли, қаҳрамонлари ҳамиша биз билан бирга бўлиши керак.

Шу йўналишда санъаткорларимиз, театр жамоалари олдида катта вазифалар кўндаланг. Бу учун авваломбор драматургларимиз бел боғламасалар бўлмайди. Ахир, қачонгача бундан 50-60 йил бурун яратилган асарларни саҳналаштирамиз?

Ўтмишга, маънавий қадриятларимизга эътиборни кучайтиришда, миллий ғурурни тиклаш ва миллий онгни шакллантиришда саҳна санъатининг имкониятлари беқиёс. Баъзан икки соат ичида катта-катта тарихий китобларни ўқигандай, ўтмишнинг сеҳрли оламига тушиб қолгандай бўласан, киши. Зотан, саҳнада воқеалар жонланиб, кўз ўнгингизда содир бўлади. Сиз уларга гувоҳ, аниқроғи шерик бўласиз, қаҳрамонлар билан бирга қайғурасиз, изтироб чекасиз. Модомики шундай экан, тарихни саҳна воситалари билан тарғиб қилишни кучайтириш, буюк боболонларимиз ҳаётидан ҳикоя қилувчи асарларни кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

### ИСКАНДАР ҲАЙИТОВ



Маълумки, собиқ СССР шароитида якка ҳукмрон бўлган КПСС «Ягона совет халқи»ни тарбиялашда нимага эришган бўлса, ўз мафкураси унга сўзсиз бўйсиндирилган. Оммавий ахборот воситалари, шунингдек, ижтимоий-гуманитар фанларни шу мафкура асосида ўтказиш орқали эришди. Бизда эса, собиқ мафкурадан воз кечилди. Натижада оммавий-сиёсий ва ғоявий тарбияда бўшлиқ пайдо бўлди.

Ниҳоят, бу бўшлиқни англаб етдик ва ўз миллий истиқлол мафкурамиз яратилмоқдаки, бу халқимизни ўз тарихи, бой маданий мероси, миллий қадриятлари асосида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга бўлишига шубҳа йўқ.

Республикамиз халқига мустақиллик ғоясини сингдириш, уни миллий ғурур ва ҳақиқий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш учун катта, бой имкониятлар мавжуд. Шу ўринда айтиш жоизки, собиқ СССР халқлари орасида жаҳон фани, маданияти, тарихига ўзбек халқичалик ҳисса қўшган халқ йўқ. Шундай экан, эндиликда биз «қизил империя» даврида топталган, мустақиллик шарофати туфайли эса, қайта тикланаётган қадриятларимизни авайлаб-асрашимиз, бой ўтмиш тарихимиз ва маданий меросимиз билан мағрурланишимиз, уни жаҳонга танитиш, билан мустақиллигимизни мустаҳкамлашимиз лозим бўлади.

Мустақилликнинг моҳиятини кенг оммага тезроқ етказиш ва халқни шу руҳда тарбиялашнинг яна бир йўли бугунги вақтинчалик иқтисодий қийин шароитда, яъни рўзнома ва ойномаларнинг нусхаси камайиб, нархи ошиб кетган шароитда кўпчилик учун асосий ахборот воситаси бўлган Ўзбекистон «ойнаи жаҳон»и имкониятларидан ҳар томонлама кенг фойдаланишда деб ҳисоблайман. Демак, шу мавзудаги қизиқарли ва мазмунли кўрсатувларни телевидениеда кўпайтириш керак.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллигимизни мустаҳкамлашнинг муҳим омили сифатида тарихимизга ва бой маданий меросимизга таянишимиз, халқимизда улар билан фахрланиш ҳиссини уйғотишимиз керак. Бу борада Халқ демократик партияси фаол ташаббускор бўлиб, жойларга олимлар, ижодкор зиёлилар гуруҳларини вақти-вақти билан юбориб суҳбатлар, мулоқотлар уюштириб турса, Президентимиз Ислом Каримовнинг рисола, маъруза ва нутқларида илгари сурилган ғояларни янада кенгроқ тарғиб қилса, айни муддао бўлар эди.

### МУҲАММАДАМИН АБДУСАЛОМОВ



Янги шароитда ҳам республикамизда фан, унинг энг муҳим шохобчалари сақлаб қолиндигина эмас, балки, ривожлантирилмоқда. Чунки, фундаментал билимларнинг тўпланиб қолиши бу — сарф-харажатларни қисқартириш, шу жараён босқичларидан бирига эътиборсизлик ёки саводсизларча унга ҳалақит бериш билан боғлиқ узлуксиз жараён ва йўқотишлар бўлиб, кейинги босқичларда уларнинг ўрнини тўлдириб бўлмайди. Бундай хавф эса, истисно этилмайди. Ҳозирги вақтда Фанлар академиясида олиб борилаётган бошқа жиддий вазифа — бу фанни қайта қуришдир, токи фундаментал фан ривожланишидан тортиб, то фундаментал технологияни ривожлантиришга фанни ишлаб чиқариш билан бирлаштиришнинг принципиал янги шакллари, моддий ишлаб чиқариш кучларининг янги элементлари — микроэлектроника, лазерли техника, янги конструкцион материаллар, препаратлар, биотехнология яратилиши билан ажралиб турадиган янги технология шаклларининг асосларини тайёрлашга иложи борича тезроқ ўтишгача самарали ишлайдиган занжир шаклланиши тезлашсин.

Мана шундай қилибгина биз ҳозирги қолоқликка тезроқ барҳам бериш, 20 йилдан кейин Ўзбекистон ҳақиқатан илмий-техникавий жиҳатдан ривожланган давлатлар қаторига чиқиши учун зарур базани вужудга келтиришимиз мумкин. Бироқ фаннинг ўзи бу ишни уддалай олмайди. Биз ҳозироқ шундай вазиятда турибмизки, республиканинг вужудга келган илмий потенциали ишлаб чиқаришнинг мавжуд моддий-техникавий базасидан ортиқдир. Бироқ илмий-техникавий тафаккурнинг назарий даражаси фаннинг амалий натижаси сингари техника тараққиёти суръатлари ва характерига ҳали кам таъсир этмоқда. Кўпгина сабаблар оқибатида ишлаб чиқариш ҳали фан-техника ютуқларига мойил эмас. Бу эса катта йўқотишдир.

Менинг тасаввуримда фан ва дунёқараш, фан-техника тараққиёти, уларнинг ўзаро боғланиш, ривожланиш муаммолари партиямизнинг эътибор марказида бўлиши керак.

### АБДУФАТТОҲ АБДУЛЛАЕВ



Ўзбекистон агросаноат мажмуи бозор муносабатларига дадил қадам ташлаб бормоқда. Шунинг учун ҳам ҳозирги замон талабига жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлаш бугунги куннинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари учун абитуриентларни тест усули бўйича танлаш ҳақида»ги қарорига асосланиб, 1993—94 ўқув йилидан бошлаб университетга кирадиган абитуриентларни тест методи (синови) бўйича қабул қилишга ўтилди.

Истиқлол масъулиятларидан бири шундаки, биз юртимизга, халқ хўжалигига етук мутахассислар тайёрлаб беришимиз керак. Бу ишни бошқа олий илмгоҳлар қатори бизнинг дорилфунун ҳам имконияти даражасида уддалаб келаётгани равшан. Лекин, айтиб ўтишим керак, мактаблардан учирма қилинган ва олийгоҳларга қабул этилаётган собиқ мактаб ўқувчиларининг билим даражаси унчалик яхши эмас. Йигит ва қизларимиз бир амаллаб ўрта мактабни тугатиб аттестат олганликлари дастлабки машғулотлардаёқ билиниб қоляпти. Кўпчилигининг савиялари, нуқтаи-назарлари «етук» деган эътирофдан узоқ, десак хато қилмаган бўламиз. Шунинг учун ўрта мактаб муаллимларидан, маориф мутасаддиларидан илтимос қилардик, замон талабидан келиб чиқиб, мустақиллик имкониятларидан фойдаланиб, бизнинг аудиторияларимизга юбораднган ўқувчиларининг билим даражалари янада пухтароқ бўлиши учун интилсалар, курашсалар, меҳнат қилсалар.

Иккинчи мулоҳазам шуки, бизнинг дорилфунунни муваффақиятли тугатиб, республикамиз вилоятларига йўлланма олган собиқ талабаларимиз баъзан иш топишаолмай қийналиб қолмоқдалар. Ҳеч қандай профессионал билимга эга бўлмаган кишилар эса улар ишлаши мумкин бўлган жойларда фаолият кўрсатяптилар. Ахир, аудиторияларда махсус мутахассислик бўйича йиллаб машғулотлар ўрганган, ҳатто амалий тажрибадан ҳам хабардор ёшларни кутиб бўладими?

**Мулоқотни батафсил ёритишга саҳифада ажратилган жой имкон бермади. Ўйлаймизки, суҳбат иштирокчилари келгусида газетамизда, бошқа матбуот нашрлари ва оммавий ахборот воситаларида ёритиладиган алоҳида чиқишларида кун тартибидаги мавзу ҳақида кенгроқ тўхталадилар. Ҳозир биз учун энг муҳими — хулоса. Улар қуйидагилардан иборат:**

**Энг аввало республикамизнинг ҳар бир фуқароси миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлашга ҳисса қўшишдек шарафли ишда фаол бўлиши керак. Она-Ватан равнақи йўлидаги оммавий изланишлар худди шуни тақазо этади. Мамлакатимиз Президентининг оқилона ички ва ташқи сиёсатини изчил қўллаб-қувватлаб, унинг атрофида янада маҳкам жипслашиб, ўз иш жойимизда, ҳаётда муносиб замондош бўлишимиз зарур. Иқтисодий ислоҳотни тезроқ ва пухтароқ амалга оширишга кўмаклашиш, шунингдек, яратилаётган миллий истиқлол мафкурасига хайриҳоҳ бўлиб яшаш, меҳнат қилиш ҳам фахрли бурчимиздир. Қайта тикланаётган маънавий-маданий қадриятларга лоқайд муносабатда бўлиш мустақил юртимиз ўғил-қизлари учун мутлақо ётдир. Энг муҳими, келажаги буюк Ўзбекистонни барқарор этишда ҳар биримиз жонкуярлик кўрсатишимиз, буни ҳаётимизнинг, эзгу интилишларимизнинг бош мазмуни деб билишимиз шарт.**

**Мулоқот материалларини Юсуф БЕРДИЕВ ва Олим НАЗАРОВ тайёрлашди.**

